

O'RMON BIOTSENOZIDA ERIBIDAE (LYMANTRIINAE) OILASI VAKILLARINING POPULYATSIYALARINING ZICHLIGI HAMDA PUSHTDORLIKLARINI ANIQLASH

G'ozibekov Abdumannon Sobirovich,
Toshkent davlat agrar universiteti tayanch doktoranti.

Annotatsiya. Maqolada Eribidae oilasining 4 ta turi zararkunandalari toq ipak qurti (*Lymantria dispar* L.), turkiston zarkapalagi (*Euprodics karghalica* L.), tol kapalagi (*Leucoma sartus* L.) va tog' orgiya (*Orgyia antiqua* L.) populyatsiyalarining zichligi aniqlangan.

Аннотация. В статье изучена плотность населения 4 видов вредителей семейства Eribidae, Непарного шелкопряда (*Lymantria dispar* L.), Туркестанской бабочки (*Euprodics karghalica* L), Ивовый бабочки (*Leucoma sartus* L.) и Горной орзии (*Orgyia antiqua* L).

Annotation. The article studied the population density of 4 species of pests of the family Eribidae, Gypsy moth (*Lymantria dispar* L.), Turkestan butterfly (*Euprodics karghalica* L), Willow butterfly (*Leucoma sartus* L.) and Mountain orgy (*Orgyia antiqua* L).

Kalit so'zlar: Eribidae oilasi, zichligi, populyatsiyasi, O'rmon biotsenoz, pushtdorligi.

Erebidae oilasi tunlamlar oilasi ichida katta gurux sanaladi, dunyoda 24 569 turini o'z ichiga oladi, 70 dan ortiq kichik oilalarga bo'linadi. Katta yoshdagilari biri biridan keskin qanotlarining rangi bilan farq qiladi. Turlarning soni jixatdan xilma-xilligi tufayli, ularni xar xil joylardan topilgan, u ko'plab fitofaglar, bir necha turdagi polifaglar va zararkunandalarni o'z ichiga oladi [2].

O'rmon biotsenozida *Lepidoptera* turkumi vakillarining uchrash darajasi yillar bo'yicha turlicha bo'lib, ular populyatsiya zichligi o'zgarib turadi. *Lepidoptera* turkum vakillarining, populyatsiya zichligi katta yoki kichik bo'lishini aniqlash maqsadida, boshqa xududlardagi o'rmon biotsenozlarida tadqiqotlar olib borildi va zararkunandani uchrash darajasi yillar bo'yicha kuzatildi.

Keyingi tadqiqotlarimizni Jizzax viloyatining viloyatining g'arbiy qismida joylashgan Nurota "Yong'oqlisoy" davlat qo'riqxonasi tarqalgan *Eribidae* oilasining asosiy vakillari toq ipak qurti (*Lymantria dispar* L.), turkiston zarkapalagi (*Euprodics karghalica* L.), tol kapalagi (*Leucoma sartus* L.) va tog' orgiya (*Orgyia antiqua* L.) zararkunandalarni laboratoriyaga urg'ochi zotlari keltirilib ularning pushtdorliklarini sharoitida aniqlash ishlari olib borildi.

Tajriba o'tkazish maqsadida o'rmon xo'jaliklarida toq ipak qurti va turkiston zarkapalaklarining pushtdorligini aniqlash bo'yicha tajribalar o'tkazildi. Buning uchun qo'riqxona xududidagi bir biriga yaqin bo'lgan 2 ta daraxtlarni entomologik

to'r bilan izolyatsiya qilindi. Tadqiqotlar iyun-iyul (2019-2021 yy) oylari davrida ajratilgan maydonlardan, o'sha xududdan yig'ib kelingan g'umbaklardan uchirib olingan va otalangan urg'ochi kapalaklardan 15 donasi qo'yib yuborildi. Bu davrda xavo xarorati $+32\pm 2^{\circ}\text{C}$ va havoning nisbiy namligi esa $67\pm 0.5\%$ ni tashkil qildi.

Tadqiqotlarimizni kengaytirish maqsadida bu tajribani Jizzax viloyati Zomin tumani xududida joylashgan Zomin "tog'-archa" qo'riqxonasi ham o'tkazdik. Bu tadqiqotimizni bir-biriga yaqin bo'lgan 4 ta Qarag'ay daraxtni entomologik to'r bilan yopdik va tajriba 3-qaytarilqda amalga oshirildi va toq ipak qurti hamda turkiston zarkapalagining ham pushtdorliklari kuzatildi. Bu davrda havo harorati $+29\pm 2^{\circ}\text{C}$ va havoning nisbiy namligi esa $65\pm 0.5\%$ ni tashkil qildi (1-jadval).

Tadqiqotlarimizni yanada aniqlashtirish maqsadida *Eribidae* oilasining asosiy vakillarining 1-yoshdagi lichinkalik bosqichida daraxtlardagi 100 g yashil massadagi zichligini F.N.Semevskogo va A.V.Golubeva, (1980). uslublaridan foydalanib o'rgandik.

Bunga ko'ra asosiy tur toq ipak qurti (*Lymantria dispar* L.), turkiston zarkapalagi (*Euprodics karghalica* L.), tol kapalagi (*Leucoma sartus* L.) va orgiya (*Orgyia antiqua* L.) zararkunandalarni lichinkalarining zichliklari aniqlandi (2-jadval F.N. Semevskogo va A.V. Golubeva uslublari asosida 1980 y). Bunga ko'ra daraxtlarning yoshiga qarab zararkunandalarning lichinkalari zichligi ortib borishi ham malum bo'ldi.

1-jadval.

Eribidae oilasi vakillarining pushtdorligini aniqlash
(Laboratoriya tajribalari. Biomarkaz 2019-2021 yy)

№	Zararkunanda turlari	Biologik ko'rsatkichlari	
		Urg'ochi zotning pushtdorligi (dona)	Yashovchanligi (kunlar)
1	<i>Lymantria dispar</i>	$1174,5 \pm 0,1$	$12,4 \pm 0,03$
2	<i>Euprodics karghalica</i>	$652,9 \pm 0,4$	$10,2 \pm 0,04$
3	<i>Leucoma sartus</i>	$219,3 \pm 0,3$	$9,5 \pm 0,08$
4	<i>Orgyia antiqua</i>	$348,9 \pm 0,1$	$11,4 \pm 0,06$

EKF₀₅

0,41

0,25

Eribidae oilasi vakillarining 1 yoshdagi lichinkalarining 100 gr yashil massasidagi zichligini ko'ra aniqlash
(Jizzax viloyati Nurota davlat qo'riqxonasi "Yong'oqlisoy" uchastkalari 2019-2021 yy)

№	Zararkunanda turlari	Oziqlanish davrida lichinkalarning zichligi % daraxtlarning yoshi (yil) bo'yicha									
		5	10	15	20	25	30	35	40	45	50
1	<i>Leucoma sartus</i> L.	1,87	3,97	4,44	8,27	9,24	12,31	15,31	16,84	17,72	19,69
2	<i>Euproctis karghalica</i> L.	3,64	7,94	14,01	18,11	21,96	26,36	32,80	38,41	39,53	43,92
3	<i>Lymantria dispar</i> L.	7,09	14,17	21,40	29,47	36,49	46,22	56,72	66,61	66,07	73,42
4	<i>Orgyia antiqua</i> L.	2,70	6,23	8,03	11,17	14,25	17,61	22,00	28,22	26,26	29,67



1-rasm. Toq ipak qurti (*Lymantria dispar* L.) ning imagolarining bir biridan farqi.



2-rasm. Turkiston zarkapalagi (*Euproctis karghalica* M)ning morfologik sistematikasi

ADABIYOTLAR:

1. Утаназаров А.П., Султанов Р.А., Агзамова Х.К. «Лесные вредители», Ташкент, 2012.
2. Воронцов А.И., Лесная энтомология, М., 1982.
3. Эсонбоев Ш. и др. «Стволовладельцы в Узбекистане», Т.1994.
4. Ш. Эсонбоев, Х. Кимсанбоев, А. Юсупов. Лесная энтомология. (Тексты лекций), Т.1999.
5. Сулаймонов Б.А., Кимсанбоев Х.Х., Анорбаев А.Р., Джумаев Р.А., Сабиров С.К., Собиров Б.Б., Балкибоев Ш.Ш., Виды фитофагов и управление ими в лесных биоценозах 210 с. 2016 г.

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

УЎТ: 634.25: 632.4

КЛЯСТЕРОСПОРИОЗ - ЎРИКНИНГ ХАВФЛИ КАСАЛЛИГИ

Баҳриддинов Озоджон Улуғбек ўғли, магистр

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти

Умурзаков Элмурод Умурзакович, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Аннотация. Мақолада клястероспориоз касаллигининг ўрикнинг тир қанча навларини зарарлаш даражаси ва уни ривожланиши бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган.

Калим сўзлар: клястероспориоз, ўрик, нав, барг, новда, мева.

Abstract. The article describes the results of the study on the degree of klyasterosporiosis disease damage to apricot varieties Navro'z, Sovetsky, Yubileyyny Navoi, Kursodik and its development.

Keywords. Klyasterosporiosis, apricot, Navroz, Sovetsky, Yubileyyny Navoi, Kursodik varieties, leaf, branch, fruit.

Кириш. Клястероспориоз данакли меваларнинг, айниқса ўрикнинг жиддий касаллиги ҳисобланади. Зарарланиш орқали мева ҳосилни кескин камаяди ва айниқса, меванинг биокимёвий таркибига салбий таъсир кўрсатиб, унинг ташқи кўриниши ва сақланувчанлигини пасайтиради [1,3,4,6]. Касаллик дарахтнинг шох-шаббалари қалинлашиб, мевага кирганда авж олади. Маълум табиий шароитда ўрик навларида касаллики тарқалиши, биологик хусусиятлари ва унинг зарарини камайтириш тадбирларини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга молик тадқиқот ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Клястероспориоз касаллигини ўрик навларида ўрганиш бўйича тажрибалар Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ Самарқанд филиалида ўтказилди. Ўрик дарахтини кимёвий ишлов бериш дарахтларда куртак пайдо бўлганда, гуллаш даври тугаганда ва 2 ҳафтадан сўнг 3 ишлов ўтказилди. Ишчи эритма гектарига минг литр сарфланди. Ўрикнинг клястероспориоз касаллиги билан шикастланиш даражаси А.Е.Чумаков ва бошқаларнинг “Основные методы фитопатологических исследований” китобида келтирилган шкала асосида аниқланди [5].

Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлили. Клястероспориоз касаллигини *Clasterosporium carpophilum* (Lev.) Aderh. замбуруғи қўзғатади. Касалликни илк бора франциялик олим Лева 1848 йилда шафтолида аниқлаган. Замбуруғ барча данакли мева дарахтларнинг (кўпроқ ўрик ва гилосда) ҳамма ер устки аъзоларини зарарлайди. Касаллик баҳор ойларида бошланиб, баргларда аввал юмалоқ қизғиш хошияли жигарранг доғлар ҳосил бўлади, 1,5-2 ҳафта ўтгач, доғ ўрнида тўқималар тушиб кетиб, думалоқ тешик ҳосил бўлади. Ҳали тушиб кетмаган доғнинг орқа томонида ҳосил бўлган тўқ нуқтача кўринишдаги конидиялар уюмини лупа ёрдамида кўриш мумкин. Ёши ўтган баргларда қизғиш-кўнғир хошияли кўппаб думалоқ тешикчалар бўлади. Касаллик шу характерли белгиси тўғрисида тешикли доғланиш номини олган.

Меваларда касаллик белгилари ҳам барглардаги белгиларга ўхшаш, лекин кўпинча қирғоғи бўртган чуқур ярачалар

ҳам кузатилади. Баъзан эса мева юзасида қорақўтир пайдо бўлади. Ёшроқ новдаларда думалоқ ёки чўзиқроқ қизғиш-кўнғир хошияли доғлар, қарироқ шохларда эса доғлар аниқ эмас, зарарланган жойда шира кўриниб туради. Ўрик гуллари тўкилиб кетади.

Касаллики авж олиши учун ҳаво ҳарорати 18-20°C ва намлиги 70-80% қулай ҳисобланади. Замбуруғ асосан мицелий ва конидиялар ҳолида тупроқ ва поя ёриқлари ичида қишлаб чиқади [4,7].

Ф.М.Бойжигитов [6,8] маълумотларига кўра, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида ўрикнинг “Арзами” нави барглари клястероспориоз касаллиги билан 57,0 % дан 86,0 % гача, новдалари – 43,0 % дан 60,0 % гача, меваси эса 60,0 % дан 89,0 % касалланганлиги, бунда касаллики ривожланиши 25,0 % дан 71,0 % гача бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар Қашқадарё вилоятининг Яккабўғ туманида ўрикнинг “Юбилейный Навоий” навида баргларида 84 % гача, новдаларида 57 % гача, меваларида 87 % гача бўлганлиги қайд этилган. Касаллики ривожланиши 37,7 дан 60,5 % ни ташкил қилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда ўрикнинг “Наврўз”, “Советский”, “Юбилейный Навои”, “Курсодик” навларида клястероспориоз касаллиги билан зарарланиш даражаси аниқланди.

Республикаимизда ўрикнинг кенг тарқалган “Юбилейный Навои” нави клястероспориоз касаллиги билан зарарланиши юқори деб баҳоланди. Унинг барги 28,9 %, новдаси 19,4 % ва меваси 33,8 % зарарланиши аниқланди, бунда касаллики ривожланиши тегишли равишда 14,5, 9,8 ва 12,5 % ни ташкил қилди. “Наврўз” навида клястероспориоз билан зарарланиш “Юбилейный Навои” навида яқин кўрсаткичларда баҳоланди. “Наврўз” навида касаллик билан зарарланиш барг, новда ва мевада кузатилди ва уларни рақамларда ифодаланиши тегишли равишда 23,8, 18,0 ва 29,8 % да бўлишлиги қайд этилди. Клястероспориоз замбуруғи билан зарарланиш даражаси ўрикнинг “Курсодик” ва “Советский” навларида бошқа навларга нисбатан кам даражада бўлганлиги тадқиқот натижасида аниқланди. “Советский” навида баргни зарарла-